



Ўрхун–Енасой обидалари 5-7 асрларда қадимги турк тилидаги ва ёзувидаги тарихий ёдгорлик сифатида қадри. Мўғулистондаги Ўрхун ва Жанубий Сибирдаги Энасой дарёлари сохилларида топилгани учун ҳам шундай номланган. Мўғулистондан Шимолий дэнгизларгача, Уралдан Сахалинга қадар давом этган ҳудудда шу ёзувдаги ёдномалар учрайди. Шимолий Кавказда 15 асрда ҳам Ўрхун ёзувидан фойдаланилган. Ўзбекистон ҳудудида (Фарғона, Сурхондарё в.б. жойлар) дан 20 дан ортиқ туркий–рун ёзуви ёдгорликлари топилган.

Йирик Ўрхун битиклари Култигин, Билга ҳокон, Тўнжук ва бошқа бу ёзувдаги ёдномалар (мас. Ирк битиги) адабий манба сифатида қаҳрамонлик қисса ва дostonларига мазмунан яқин келади. Култигин битиктоши 732 й. Турк ҳоконлиги(551–745)нинг лашкарбошиси шарафига ўрнатилган. Битиктош икки қисмдан: Кичик ва Улуг битикдан (муаллифи Йўллик тигин) иборат. Ватан манфаати йўлида хизмат қилиш, мамлакатнинг мустақам, осойишта бўлиши учун кураш битикошларда бош мақсад экани айтилади. Асарда Табгач, Тибет, Сугд, Турғаш, Қирғиз қаби жой номлари тилга олинган. Энасой битиклари марсия ва мадҳия жанрларининг қадимги турк адабиётидаги илдизлари ҳақида тасаввур беради.

Битиктошлар 19 аср охирида топилиб, У.Томсен томонидан ўқилган ва илмий муомалага киритилган. Баъзи ёдгорликлар дешифровка қилинган эмас. АКШ, Полша, Венгрия, Финляндия ва Туркияда ҳам ўрганилган. Россияда В.Радлов, С.Малов, И.Стеблева ишлари маълум. Ўзбекистонда Фитрат, А.Қаюмов, Н.Раҳмонов в.б. асардан намуналар ва тадқиқот ишларини чоп қилдирган.

Нашр қилинган манбалар:

Энг эски турк адабиёти намуналари (Тузувчи проф.Фитрат). — Т.: 1927;

Енисейская письменность тюрков. –М,Л.: 1952;

Қадимги ҳикматлар. — Т.: 1987.

Илмий адабиёт:

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М.: 1951;

И.В.Стеблева. Пoesия тюрков У1–У111 вв. —М.:1964;

И.В.Стеблева. Поетика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. — М.: 1976;

А. Қаюмов. Қадимият обидалари. — Т.: 1971.

Н.Раҳмонов. Инсон руҳининг садоси. — Т.: 1986;

Н.Раҳмонов. Қўхна битиктошлар. — Т.: 1990;

Н.Раҳмонов. Турк ҳоконлиги. — Т.: 1993.

